

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

СИРОЖОВ ОЙБЕК ОЧИЛОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК
ЖАРАЁНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИ**

23.00.02 – сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (DSc)доктора наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Сирожов Ойбек Очилович

Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида

Ўзбекистон манфаатлари.....3

Сирожов Ойбек Очилович

Интересы Узбекистана в процессе регионального сотрудничества

в Центральной Азии.....31

Sirojov Oybek Ochilovich

The interests of Uzbekistan for processes of cooperation in Central Asia.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

СИРОЖОВ ОЙБЕК ОЧИЛОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК
ЖАРАЁНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИ**

23.00.02 – сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.DSc/siyos13.рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанингsf-ik.uz. ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz веб-саҳифасига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Отамуратов Садулла**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эргашев Ибодулла**
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бобоқулов Иномжон Ибрагимович
юримдик фанлар доктори

Назаров Насриддин Атақулович
сиёсий фанлар доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашнинг2018 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий Университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Пахрутдинов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

А.Ташанов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD).

А.Муминов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Минтақавий ҳамкорлик жаҳон мамлакатлари тараққиётининг муҳим омилларидан бири сифатида умуминсоний қадрият даражасида амал қилиб келмоқда. Шунинг билан бирга мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли зиддиятларнинг ечими ҳам ўзаро манфаатларни мувозанатлаштирувчи ҳамкорликни вужудга келтириш, уни изчиллик билан такомиллаштириб бориш билан боғлиқ. Жаҳонда кечаётган ўзгаришлар шиддати ҳамкорликни мустақамлашнинг оптимал йўналишларини излаб топиш ва уни мамлакатлар тараққиётига йўналтириш масалаларини сиёсий жиҳатдан ўрганишни талаб этмоқда.

Дунёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун унга боғлиқ ижтимоий-сиёсий омиллардан самарали фойдаланиш серқирра ва мураккаб вазифа бўлиб, унинг илмий ечими бугунги кунга қадар тўлиқ асослаб берилмаган. Бу, ўз навбатида, ҳамкорликнинг муҳим соҳаси ва кўп жиҳатдан унинг характерини белгиловчи манфаатдорликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, сиёсий иродани кучайтириш каби масалаларда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлигига бориб тақалади. Шундан келиб чиқиб ривожланган минтақаларда ҳамкорликнинг намоён бўлиши, даражалари, мезонлари, шаклланиши ва ривожланиш механизмлари каби масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда минтақавий ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу борада эътиборга молик тажриба тўпланди. Жумладан, Қирғизистон билан чегара ҳудудларида ишонч чоралари бўйича Битим (2017), Туркменистон билан Стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома (2017), Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқтаси тўғрисидаги Шартнома (2017) имзоланди. Мамлакатимизнинг бундай ташаббуслари минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «икки ва кўп томонлама шакллардаги ташаббусларни, шу жумладан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича ташаббусларни илгари суриш»¹ устувор йўналишлари белгиланди. Шу боис, жумладан, минтақамиздаги ҳамкорлик жараёнларига доир кенг кўламли илмий-тадқиқотларга зарурият мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сон «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони,

¹Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

«Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республикада фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг сиёсий муаммоларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Center for Strategic and International Studies, Centre of scientific investigation of Central Asia (АҚШ), Institute of Central Asia (Франция), Centre for European and Asian studies, The European Policies Research Centre (EPRC ЕИ), Institute of International Policy Studies (Япония), Российский институт стратегических исследований, Центр научно-информационных исследований глобальных и региональных проблем (Россия), The China Research Center (Хитой), Қазақстанский институт стратегических исследований при Президенте Республики Казахстан (Қозоғистон), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (Ўзбекистон) даолиб борилмоқда.

Жаҳонда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга оид тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: «ҳамкорлик» ва «интеграция» жараёларининг асосларига оид федерализм, функционализм, интерговерментализм концепциялари яратилган (Center for Strategic and International Studies, АҚШ); Марказий Осиёдаги иқтисодий, сиёсий жараёнлар, миллий давлатлар интеграцияси ва локал муаммолари асослаб берилган (Centre of scientific investigation of Central Asia, АҚШ, Institute of Central Asia, Франция); Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар ва давлатлараро муносабатларнинг динамик хусусияти очиқ берилган (Centre for European and Asian studies, ЕИ); Европа ва Марказий Осиё ҳамкорлиги истиқболлари илмий асосланган. (The European Policies Research Centre, EPRC, ЕИ); Евроосиё ҳудудида давлатларнинг ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш имкониятлари (ягона иқтисодий зона шакллантириш) ишлаб чиқилган (Россия стратегик тадқиқотлар институти, РИСИ, Россия); Марказий Осиёдаги минтақавий муаммолар илмий асосланган (глобал ва минтақавий муаммолар илмий-ахборот тадқиқотлари Маркази, Россия); Марказий Осиё транспорт коммуникация тизимини ривожлантиришда Буюк ипак йўлини қайта тиклаш зарурияти асосланган

²www.csis.org; <http://www.hstkd.de>; <http://www.nti.org>; <https://www.bi.edu/research-centres/centre-for-european-and-asian-studies/>; <http://www.eprc-strath.eu/>; www.iips.org/en/; <http://riss.ru/>; <http://inion.ru/>; <http://www.chinacenter.net/>; www.kisi.kz; <http://uzstrateg.info>.

(The China Research Center, Хитой); Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланган (Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти, КИСИ, Қозоғистон); Марказий Осиёда ҳамкорликнинг тарихий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асослари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон).

Дунёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда: ҳамкорликнинг генезиси, асослари, минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда миллий манфаатлар мувозанати масаласи, минтақавий ҳамкорлик жараёнларининг давлатлараро муносабатларга таъсири, глобаллашув ва минтақавий ҳамкорликнинг қиёсий таҳлилига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари мавзусидаги тадқиқотга Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари³, мамлакатимиз ҳаётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистонни барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал ғоялари илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди⁴.

Ушбу мавзуда бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Р.Алимов, С.Сафоев, Ш.Арифханов, И.Бобоқулов, Ф.Толипов, Т.Жўраев, С.Отамуратов, А.Хўжаев, А.Жалилов, Ч.Кучаров, С.Жўраев, Р.Жумаев, А.Қ.Қодиров, Ш.Пахрутдинов, А.Қирғизбоев, У.Ҳасанов, С.Саидолимов, У.Кўшаевлар минтақа геосиёсатини, хавфсизлиги, манфаатлар умумийлиги, Марказий Осиёдаги геосиёсий, мафкуравий трансформация шароитида Ўзбекистон стратегияси, минтақадаги ҳамкорлик жараёнлари муаммоларининг турли кўринишларини тадқиқ ва таҳлил қилганлар⁵.

³Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997; Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т-12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2016.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

⁵Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарк, 2005; Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Тошкент: ЖИДУ, 2005; Алимов Р.М. Арифхонов Ш.Р. и др. Центральная Азия: геοэкономика, геополитика, безопасность. – Ташкент: Шарк, 2002; Арифхонов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Ташкент: Шарк, 2007; Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2005; Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Тошкент: Akademiya, 2007; Отамуратов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараён ва мафкуравий таҳдидлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001; Бобоқулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Ташкент: УМЭД, 2010; Кўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. – Тошкент: Фан, 2008; Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006; Кирғизбоев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги. –Тошкент: Фан, 2004; Пахрутдинов Ш., ва бош. Миллий манфаатлар ва

Кўшни республикалар ва россиялик олимлар томонидан ҳам минтақавийлашув ва халқаро ҳамкорлик жараёнлари ўрганилган. В.М. Алчинов, А.С.Дзасохов, С.К.Кушкумбаев, Н.П.Медведев, В.И.Меркулов, В.В.Михеев, А.Н.Федоровскийлар диссертацияларида ҳамкорлик билан боғлиқ концепциялар таҳлил қилинган⁶. Масалан, В.М. Алчиновнинг «Европа ва постсовет ҳудудида минтақавий интеграция жараёнлари: Россия манфаатлари (сиёсий таҳлил) диссертациясида ҳамкорлик учун иқтисодий омилларга урғу беришни илгари сурувчи неолиберализм ва неофункционализм концепциялари таҳлил қилинган.

Хорижлик олимлар томонидан ҳам минтақадаги ижтимоий-сиёсий масалалар ўрганилган. Жумладан, Ғарб назариётчиларидан Зб.Бжезинский, С.Хантингтон, М.Олкотт, Х.Малик, А.Абиди, И.Колак, Ф.Старр ва Ш.Акинер каби олимларнинг минтақадаги сиёсий-иқтисодий жараёнлар хусусидаги илмий мулоҳазалари ҳам алоҳида аҳамиятга молик⁷.

Лекин, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг 2012–2017йилларга мўлжалланган истиқболли дастурининг «Сиёсат фалсафасининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёдаги ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатларининг сиёсий хусусиятларини очиб бериш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ҳамкорлик» тушунчаси, тузилмаси ва унинг сиёсий категория сифатида мақомини очиб бериш;

«минтақавий ҳамкорлик» тушунчасининг тузилмавий таҳлилин амалга ошириш;

бошқарув маъсулияти. –Тошкент: Akademiya, 2008; Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари: Диссер. сиёс. фан. доктори –Тошкент.: ДЖҚА, 2009; Қўшаев У. Геостратегик манфаатлар ва ғоявий жараёнлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013.

⁶ Алчинов В.М. Международная экономическая интеграция и СНГ. – Москва: 2006; Блинов А.С. Национальное государство в условиях глобализации: контуры построения политико-правовой модели формирующегося глобального порядка. – Москва: 2003; Дзасохов А.С. Становление и эволюция постколониального мира. Вторая половина XX века. – Москва: 2000; С.К.Кушкумбаев Многостороннее взаимодействие в сфере безопасности Центральной Азии; Медведев Н.П. Политическая регионалистика. – Москва: 2002; Михеев В.В. Глобализация и азиатский регионализм: Вызовы для России. – Москва: 2001; Федоровский А.Н. Интересы России в процессах региональной и субрегиональной интеграции в АТР. – Москва: 2001.

⁷Бжезинский Зб. Великая шахматная доска. Господство Америки и ее геостратегические императивы.– Москва: 1998; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – Москва: 1996; Olcott M Central Asia's Catapult to Independence Foreign Affairs, Vol.3, (Summer 92); Malic H, "Central Asia and Its Strategic Importance and Future Prospects", London.1994; Abidi A., "Iran and Central Asia".World Focus.03.04.1995; Colac I American - Central Asian Relations", Eurasian Studies, Vol.3.No.3. (Fall 1996); Frederick S. "Making Eurasia Stable", Foreign Affairs, January/February, 1996); Akiner Sh., "On its Own. Islam in Post Soviet Central Asia". Harvard International Review, Vol. XV. No.3, (Spring 1993)

минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш заруриятини асослаш;
минтақавий ҳамкорликка тўсқинлик қилувчи омилларни сиёсий-назарий жиҳатдан асослаш;

миллий ва минтақавий манфаатлардаги тўқнашувларни юзага келтирувчи омилларни очиб бериш;

минтақавий ҳамкорликда ташқи кучларнинг таъсирини асослаш;
минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатларининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш ва уни таъминлашнинг истиқболлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Марказий Осиё минтақасидаги ҳамкорлик ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Осиё минтақасидаги ҳамкорлик тизимида Ўзбекистон манфаатларининг намоён бўлиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, контент-анализ, эмпирик кузатув каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«ҳамкорлик», «икки томонлама ҳамкорлик», «кўп томонлама ҳамкорлик», «минтақавий ҳамкорлик», тушунчалари сиёсий-назарий жиҳатдан тавсифланиб, уларнинг давлатлараро муносабатларни ривожлантириш механизми сифатидаги мақоми аниқланган;

жаҳонда кечаётган жадал ўзгаришлар ва турли зиддиятлар шароитида давлатлараро муносабатларда нафақат интеграция балки, кўп томонлама ҳамкорлик ҳам уларнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил эканлиги очиб берилган;

Марказий Осиёда Ўзбекистон манфаатларини (транспорт-коммуникация тизимида, Марказий Осиё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш ва минтақадаги мавжуд табиий бойликларни дунё бозорига олиб чиқиш; қўшнилар билан яқин денгиз йўлига чиқиш борасида ҳамкорлик) амалга ошириш омиллари (Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, Ўзбекистон чегаралари орқали минтақадаги барча давлатларни боғлаб туриши) илмий асосланган;

минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган сиёсатни амалга ошириш имкониятлари (энергия ресурсларини биргаликда қайта ишлаш, минтақавий туризмни ривожлантириш, халқ дипломатиясини кучайтириш) кўрсатиб берилган;

минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда минтақа ёшларини фаоллаштириш механизмлари (ёшлар ташкилотлари ўртасида минтақавий ҳамкорлик битимларини имзолаш, Марказий Осиё Ёшлар Ассоциациясини тузиш) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатларини амалга оширишнинг механизмлари ишлаб чиқилган;

минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш асосида ижтимоий-сиёсий барқарорлик, минтақавий тараққиётни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини кенгайтириш ҳамда янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатларини сиёсий тадқиқ этиш асосида минтақамиздаги ҳамкорликнинг асосларини, ушбу йўналишдаги назарий-илмий ва назарий-фундаментал тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Марказий Осиёдаги ҳамкорликни ривожлантиришга, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

илмий ишдаги сиёсий-назарий жиҳатдан тавсифланган «ҳамкорлик», «икки томонлама ҳамкорлик», «кўп томонлама ҳамкорлик», «минтақавий ҳамкорлик», тушунчаларидан, уларнинг давлатлараро муносабатларни ривожлантириш механизми сифатидаги аниқланган мақоми, Марказий Осиёда Ўзбекистон манфаатларини амалга ошириш имкониятлари каби янгиликларидан Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлилий Марказнинг Ўзбекистон Ресубликасининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатини таҳлиliga бағишланган инфор­мацион-аналитик материалларда фойдаланилган. (Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлилий Марказнинг 2017 йил 28 декабрдаги 10/143-сон маълумотномаси). Натижада, бу Марказнинг асосий йўналишига доир мониторинг жараёни ва мавзу доирасидаги таҳлилий материаллар сифатининг ошиши имконини берган;

илмий тадқиқот ишидаги Турк­манистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун уларда мавжуд энергия ресурсларини хорижга сотишда, қайта ишлашда ҳамкорлик қилиши, Тожикистон ва Қирғизистон билан ҳамкорликни ривожлантириш учун минтақавий туризм кластерларини яратиш масаласи ва келажакда ҳамкорлик кўпроқ ўсиб келаётган ёшлар билан боғлиқлигини инобатга олиб, минтақа ёшлари ўртасида Марказий Осиё ёшлар Ассоциациясини тузиш ғояларидан

фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2017 йил 26 октябрдаги 02/43257-сон маълумотномаси). Натижада, бу Вазирликнинг минтақада кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаолиятини оширишга хизмат қилган;

жаҳонда кечаётган жадал ўзгаришлар ва турли зиддиятлар шароитида давлатлараро муносабатларда нафақат интеграция, балки кўптомонлама ҳамкорлик ҳам уларнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил эканлиги ва бу концептуал ғоя асосида Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги умумманфаатларга хизмат қилиши каби назарий хулосалардан Марказнинг Ўзбекистон Ресубликасининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати таҳлиliga бағишланган инфармацион-аналитик материалларда фойдаланилган. (Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлилий Марказнинг 2017 йил 28 декабрдаги 10/143-сон маълумотномаси). Натижада, бу Марказнинг асосий йўналишига доир мониторинг жараёни ва инфармацион базасининг бойиши имконини берган;

илмий тадқиқотдаги асослаб берилган минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган сиёсатни амалга ошириш имкониятлари (халқ дипломатиясини кучайтириш) каби янгилigidан кўмитанинг истиқболли йўл харитасини шакллантиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Кўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 03-08-289-сон далолатномаси). Натижада бу Кўмитанинг минтақа бўйича халқ дипломатияси кучайишига хизмат қиладиган илмий ёндашувни такомиллаштириш имконини берган;

тадқиқот ишида минтақадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлган энергия ресурсларини Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида биргаликда қайта ишлаш ва экспорт қилишда ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш таклифи ташкилотнинг 2017–2021 йиллар ривожланиш дастурининг 2.1. Устюрт, Бухоро-Хива, Сурхондарё ва Фарғона ҳудудларидаги конларда табиий газ, нефть, кондесат қазиб олиш ва суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни оширишга ва объектларнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган бандини тузишда фойдаланилган («O'ZNEFTGAZQAZIBCHIQARISH» АКнинг 2016 йил 23 декабрдаги 812-НМ-985т-сон маълумотномаси). Натижада, бу ташкилотнинг бошқа ташкилотлар билан минтақавий ҳамкорлиги ривожланиши имконини берган;

ишлаб чиқилган минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда минтақа ёшларини фаоллаштириш механизмлари (ёшлар ташкилотлари ўртасида минтақавий ҳамкорлик битимларини имзолаш) каби янгилликларидан кўмитанинг истиқболли йўл харитасини шакллантиришда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Кўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 03-08-289-сон далолатномаси). Натижада, бу Кўмитанинг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида белгиланган айрим вазифалар ижросини таъминлаш имконини берган;

диссертацияда илгари сурилганяҳши кўшничилик, минтақадаги ҳамкорликдан Ўзбекистон манфаатдорлиги, минтақада тинчликни сақлаш борасидаги тақлифлардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказнинг 2016 йилга мўлжалланган иш режасининг 7- «Миллий, диний кадриятлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири ва ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб боришдаги ўрни масалаларига йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш»банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 12 декабрдаги 402-сон маълумотномаси). Диссертация илмий натижаларидан Марказнинг иш режаси ҳамда илмий лойиҳалари бажарилишида фойдаланилиши, республика таълим тизимида мустақил дунёқарашга эга мутахассисларни тайёрлаш ва толерант фуқарони тарбиялашга кўмаклашиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 26та илмий анжуманда жумладан, 4та халқаро, 22та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42та илмий иш, жумладан, 2та монография ва битта рисола, миллий журналларда 11та ва нуфузли хорижий журналларда 2та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 220 саҳифадан иборат матн, 16та жадвал, бта диаграмма ва 12та иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришқисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минтақавий ҳамкорлик жараёнлари таҳлилининг назарий ва методологик асослари**»номли биринчи бобида «минтақавий ҳамкорлик» тушунчаси, мазмун ва моҳияти, минтақавий ҳамкорлик тизими, унга хос мураккаб муносабатлар, минтақавий ҳамкорлик жараёнининг асослари ва уларни ривожлантириш зарурияти, унга таъсир этувчи омиллар ёритилган. Бунда ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳати, яъни унинг тузилмавий ва тизимий қисmlари тадқиқ қилинган.

«Минтақа» кўп маъноли тушунча бўлиб, маълум макон ва замон қолипидаги аниқ ҳудудни билдиради, шундан келиб чиқиб, у илмий адабиётларда икки хил талқин қилинади:

бир мамлакат ичидаги ҳудуд;

бир нечта давлатларни ўз ичига олган улкан ҳудуд.

Ҳар қайси фан тармоғи ўз вазифасидан келиб чиқиб минтақани шакллантирадиган у ёки бу омилга асосий урғу бериши бу терминга нисбатан турли хил талқинларнинг келиб чиқишига олиб келади. Минтақага табиий чегаралар билан чекланган маданий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда тарихий уюшган ҳамкорлик макони деб таъриф бериш мумкин.

Ҳамкорлик бу икки ёки ундан ортиқ субъектнинг умумманфаатдорлик учун биргаликдаги амалий фаолиятidir. Ҳамкорлик турли шаклларда, хусусан, соҳасига кўра, иқтисодий, ҳарбий, маданий, сиёсий; иштирокчиларига кўра, икки томонлама, кўп томонлама; кўламига кўра давлатлараро, минтақавий, глобал; даражасига кўра фаол, сушт ҳамкорликка ажратилади.

Минтақавий ҳамкорлик жараёни маълум минтақада кечади, маълум тамойиллар асосида шаклланади. Минтақавий ҳамкорлик ўзагини объектив зарурият ташкил қилади. Айнан ана шу объектив заруриятни воқеликка айлантиришдан маълум тамойиллар асосида минтақавий интеграцияни шакллантиришгача бўлган яхлит жараён минтақавий ҳамкорликни ташкил этади.

Айнанбир хил моделдаги минтақавий ҳамкорлик учрамайди. Бу ҳамкорликнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, турли моделлари ва турлари борлигибилан, шу билан бирга жараён субъектларининг имкониятлари, миллий манфаатлари, минтақалар турли-туманлиги ва давр талабининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, жараёнга минтақага хос омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, манфаатлар мувозанатини таъминлаш, умуммиллий манфаатлар уйғунлигига эришиш, ҳамкорлик натижасида шахс ва жамият фаровонлигини таъминлаш минтақавий ҳамкорликнинг асосий вазифасини ташкил этади.

Минтақавий ҳамкорликнинг асосий тамойилларига: а) тенглик; б) ихтиёрийлик; в) ўзаро ишонч ва ҳурмат; г) миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик; д) ички ишларга аралашмаслик тамойилларини киритиш мумкин. Минтақавий ҳамкорлик мураккаб тарихий жараён сифатида иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий ҳамкорлик тизимидан иборат бўлиб, улар ўзаро чамбарчас боғланган. Улардан бирининг ривожланиши иккинчисининг ривожига туртки беради.

Минтақавий ҳамкорликка тизимли ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли ҳамкорлик соҳаларининг ўзига хос хусусиятини қисмларга бўлиб эмас, балки яхлит тасаввур қилиш имконини беради. Тизимли ёндашув тадқиқотнинг жуда кўп услубларидан фойдаланишга ёрдам беради. Баъзи услублар орқали олинган натижаларни бошқаларига қарама-қарши

қўймасдан ва мутлақлаштирмасдан хулоса чиқаришга асос бўлади. Шу нуқтаи назардан минтақавий ҳамкорликни тизимлаштириш муҳимлиги асосланади.

Минтақавий ҳамкорлик асослари ҳамкорлик жараёнлари ривожига мустаҳкам замин яратади. Бунда тарихий-маданий, иқтисодий, хавфсизлик, ғоявий, ҳуқуқий асосларга таянилади. Минтақавий ҳамкорлик асосларидан самарали фойдаланиш ва миллий тараққиётга эришиш муҳим ҳисобланади.

Минтақавий ҳамкорлик асослари ҳар бир минтақада ўзига хос тарзда мавжуд. Масалан, бизнинг минтақа учун аҳил қўшничилик муҳити ҳамкорлик асоси бўлиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5.2) бандида бунга алоҳида эътибор қаратилган⁸.

Биринчи бобнинг илмий муаммолари таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

минтақавий ҳамкорлик – бу объектив зарурият натижасида маълум бир минтақа давлатларининг тенглик, ихтиёрийлик, умуммиллий манфаатларнинг уйғунлашуви асосида биргаликдаги фаолияти;

минтақавий ҳамкорлик учинчи минг йиллик халқаро сиёсатида етакчи мавқени эгаллайди. У глобал тараққиёт зарурати сифатида шаклланади. Халқаро майдонда кечаётган жадал ўзгаришлар ва турли зиддиятлар шароитида давлатлараро муносабатларда нафақат интеграция, балки кўптомонлама ҳамкорлик ҳам уларнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Чунки, интеграция миллий суверенитетга даҳл қилса, минтақавий ҳамкорликда бундай тенденция кузатилмайди. Ана шу ҳақиқатни ўз вақтида тушуниб етиш ва уни ривожлантириш учун амалий саъй-ҳаракатларга ўтиш вақти етиб келди. Уни назарий жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлган инсоният ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида қандай ўзгаришлар кечишини аниқлашда етакчи омил вазифасини ўтайди.

Диссертациянинг «**Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида ҳамкорлик жараёнлари бугунги тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолишининг сабаблари сифатида собиқ Иттифоқ даврида шаклланган тартиботлар, жумладан, иттифоқдош республикаларни боғловчи миллий чегаралар ўтказилгани, минтақанинг хом ашё базасига айлангани, асрлар мобайнида мустамлакачилик зулми остида эзилган халқларда ўз “мен”лигини намойиш қилиш кучайганлиги, худди ана шу “мен”ликни намойиш этишга бўлган хатти-ҳаракатлар ҳамкорлик жараёнларида бир қатор тўсиқларни вужудга келтирганлиги таҳлил қилинган. Шу билан бирга, минтақани яна ўз таъсир доирасига киритишга интилаётган ташқи кучларнинг “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” тамойили асосида сиёсат юритишга мойиллиги ҳам бу жараёнларга салбий таъсир

⁸Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

кўрсатаётганлиги ёритилган. Минтақавий ҳамкорликка тўсқинлик қилувчи омилларни сиёсий таҳлил асосида муаммоларнинг мавжудлик илдизлари ва негизини тадқиқ қилиш, ана шу асосида жараёнга баҳо беришга эътибор берилган. Минтақавий ҳамкорликка тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар мавжуд.

Биринчи омил. Собиқ Иттифоқ томонидан шакллантирилган тартиботларнинг асоратлари. Айнан ана шу асоратлар ҳалигача давлатлар иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, давлатларнинг экспорт салоҳиятида хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг улуши юқори.

Иккинчи омил. Минтақада миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари кечаётганлиги ҳамкорлик амалга ошишини секинлаштириш таъсирига эга бўлди.

Учинчи омил. Ахборот хуружи ҳам ҳамкорликка салбий таъсир этувчи субъектив омилдир. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ёки истиқбол билан боғлиқ айрим хорижий маълумотлар реалликдан йироқ.

Тўртинчи омил. Давлатларнинг иқтисодий даражалари ва ташқи сиёсат йўналишларининг турли-туманлиги ҳамкорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. 2014 йил якунларига асосан, йиллик ЯИМ жиҳатдан дунё рейтингида Қозоғистон 42, Ўзбекистон 66, Туркменистон 85, Тожикистон 136, Қирғизистон эса 139 ўринни эгаллади⁹.

Бешинчи омил. Минтақада ҳамкорликни ривожлантириш дастури, стратегиясининг йўқлиги ҳамкорликка салбий таъсир этувчи омил сифатида илгари сурилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёш республикалар ўз миллий кадриятларини тиклашга, ўз анъаналарига қайтишга, миллий давлатчиликни шакллантиришга, ўз имкониятларидан келиб чиқиб тараққиёт йўлларини белгилаб олишга асосий эътиборни қаратдилар. Булар миллий манфаатлардаги алоҳидаликнинг намоён бўлишига кўпроқ сабаб бўлди. Чегара муаммолари, сувдан фойдаланишда, ташқи кучлар билан алоқалар ўрнатишда ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш сиёсатида алоҳидалик кўзга ташланади. Миллий ва минтақавий манфаатларни мувозанатлашмаслиги ҳам ҳамкорликка тўсқинлик қилмоқда.

Чегара муаммоси ҳам ҳамкорлик ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланади. Бу муаммо ўтган асрнинг 20-йилларида ўтказилган чегаралаш маҳсулидир. Лекин бу муаммога бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиб, минтақа манфаатларини устун қўйган ҳолда тез бартараф этиш лозим. Яъни минтақа давлатлари ўртасидаги чегараларнинг делимитация ва демаркация ишларини тезроқ якунлаши муҳим. Жумладан, Президентимиз Ш.Мирзиёев минтақамиз келажаги йўлидаги асосий вазифалар ҳақида тўхталиб: «Тўртинчидан, бу давлат чегараларини делимитация ва

⁹ GDP of world. <http://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP>.

демаркация қилиш жараёнини тезда узил-кесил якунига етказишдир», деган фикрларни илгари сурди¹⁰.

Шу билан бирга зиёлилар халқларимизнинг бирдам бўлишини, бир заминда яшаётганлигини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши зарурлигини, бу заминни авайлаб-асраб кейинги авлодларга етказишда масъуллик ғояларини тарғиб қилишлари мақсадга мувофиқ.

Оддий ва очик инсоний мулоқот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усул¹¹.

Сувдан фойдаланиш масаласидаги муаммолардан бири– трансчегаравий дарёларни юқори ва қуйи оқимида жойлашган давлатларнинг масалага турли хил ёндашуви ҳисобланади. Бу минтақада гидроэнергетика тизимига инвестицияларни жалб қилиш учун ҳам тўсқинлик қилмоқда. Аввало давлатлар ўртасида сувдан фойдаланишнинг энг самарали йўллари излаш, манфаатларни умумлаштириш муҳим. Бунинг учун сув истеъмол қилишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва сувдан рационал фойдаланиш мақсадга мувофиқ*.

Ташқи сиёсатда манфаатлардаги алоҳидалик намоён бўлишини минтақада миллий давлатчиликни шакллантириш жараёни билан, давлатларни халқаро майдонда мустақил субъект сифатида танилишга ҳаракат қилганлиги билан баҳоланса, иккинчидан, иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида етакчи давлатларнинг эътиборини жалб қилиш ва иқтисодга катта миқдорда сармоя киритишга интилаётганлиги билан, учинчидан, кимдир бирламчи муаммоларни бартараф этишга кўпроқ урғу бериб, келажакдаги манфаатдорликка кам эътибор бераётганлиги билан баҳоланса мумкин. Минтақа давлатларининг манфаатларни уйғунлаштириш борасида ҳамкорликдаги ҳаракатигина кўпроқ самара беради.

Хусусий мулкни шакллантириб, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганлиги, босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтилаётгани, демократик жамият қуриш йўлидан борилаётганлиги ҳамкорлик жараёнларида мамлакатлар ички сиёсатидаги умумийликни ифодалайди. Ташқи сиёсатда тинчликпарвар сиёсат юритилаётганлиги ва минтақада хавфсизликни таъминлашда ҳамкорлик республикалар ташқи сиёсатидаги умумийликни кўрсатади.

Иккинчи бобнинг илмий муаммолари таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://www.prezident.uz/uz/lists/view/1227>.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://www.prezident.uz/uz/lists/view/1227>.

*Маълумотларга кўра Марказий Осиё дунёда сувдан ноэффектив фойдаланиш бўйича етакчилик қилади. Масалан, Туркменистон жон бошига 5,5 минг м³ сув сарфласа бу кўрсаткич АКШга нисбатан 4 баравар, Хитойга нисбатан 13 баравар юқори ҳисобланади. Страны Центральной Азии возглавляют мировой рейтинг расточительной воды, - научный журнал Nature 07.10.2014.14:54 <http://ca-news.org/news:1126529>

собик Иттифоқ томонидан шакллантирилган тартиботларнинг асоратлари, минтақада миллий давлатчиликни шакллантириш жараёнлари кечаётганлиги, ахборот хуружи, давлатларнинг иқтисодий даражалари ва ташқи сиёсат йўналишларининг турли-туманлиги, минтақада ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясининг йўқлиги, чегара муаммоси, сувдан рационал фойдаланиш масаласи минтақавий ҳамкорликка тўсқинлик қилмоқда;

ташқи сиёсатда яхши кўшничилик устуворлигини таъминлаш, ташқи етакчи давлатлар билан ҳамкорлик қилишда тенглик ва манфаатдорликка интилиш давлатларнинг ютуғи бўлиб, у умумманфаатларга хизмат қилади;

умумий манфаатлар давлатлараро муносабатларни шакллантиради, ҳамкорликка ундайди. Манфаатлар тўқнашуви эса, муносабатлар уйғунлашувига тўсқинлик қилади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бунинг учун биз турли низоларни кўзгайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур»¹².

Диссертациянинг «**Минтақада ҳамкорликни мустахкамлашда Ўзбекистон фаолияти**» деб номланган учинчи бобида ҳамкорликни ривожлантирувчи асосий омиллардан бири жараёнда иштирок этишдан манфаатдорлик таҳлил қилинади. Бунда масалага сиёсий нуқтаи назаридан ёндашиб, яъни Ўзбекистон манфаатини ички мазмуни билан ташқи кўриниши, улар ўртасидаги боғлиқлик ҳам таҳлил қилинган.

Манфаатдорлик ҳамкорлик жараёни билан мутаносиб равишда ошиб бориши лозим ва бу сиёсий жараёнларнинг ўзига хос қонуниятидир. Шу маънода олганда миллий манфаатлар мувозанатининг таъминланганлиги минтақавий ҳамкорлик жараёнлари ривожининг кафолати бўлади. Минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва тараққиётдан Ўзбекистон манфаатдор. Бугунги кунгача Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликка либерал ёндашиб, ҳамкорлик эркин тарзда кечиши, жараённи мафкуралаштирмасликка интилиб, тадрижий ривожланиш, умумманфаат устуворлиги тарафдори сифатида прагматик сиёсат олиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бизнинг бош мақсадимиз – умумий сайъ-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат»¹³.

Миллий манфаатларни қондириш муҳим масала бўлиб, бугунги кунда унга илмий ёндашув ва бошқаларнинг манфаатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий манфаатлар тизими шахс, миллат, жамият ва давлатнинг маълум бир минтақада ўзаро боғланган миллий манфаатлар йиғиндиси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатлари тизими

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1227>.

¹³ Ўша манба.

деганда эса, мамлакатимизнинг минтақадаги тартибга солинган ва ўзаро боғланган манфаатлар йиғиндиси тушунилади.

Ўзбекистоннинг минтақадаги миллий манфаатлар тизимини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳадаги манфаатлар доирасида таҳлил қилиш зарур. Сабаби, биринчидан, миллий манфаатлар иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий тараққиёт каби объектив омиллар асосида шаклланади. Иккинчидан, илмий адабиётларда тизим (система)ни ўзига хослиги тўғри қайд этилиб, «ҳар қандай система ўраб турган муҳит билан бирга мавжуд, бу эса тартибга солинган система унсурлари яхлит тўпламининг муҳит билан ўзаро таъсирини намоён қилади», деб ёзилган¹⁴. Биз унга қўшилган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, тизим ҳамкорликка хизмат қилишида мамлакатимизда олиб бориладиган ташқи сиёсат билан боғлиқ бўлишини бугунги мамлакатлараро муносабатлар тажрибаларида ўз исботини топмоқда.

Айнан иқтисодий муҳитда манфаатларнинг муштараклашиб бориши ҳамкорликни ривожлантиради. Бундан ташқари, бу муҳитдаги зиддият ва рақобат миллий манфаатларда ҳам ўз аксини топади.

Диссертацияда бугунги кунда Ўзбекистоннинг минтақадаги геосиёсий манфаатларини уч жиҳатдан ўрганилиб, таҳлил қилинган:

минтақада транспорт-коммуникация тизимини такомиллаштириш;

Марказий Осиё бозорида етакчи мавқега эга бўлиш ва минтақадаги мавжуд табиий бойликларни (асосан нефть ва газни) дунё бозорига олиб чиқиш;

Афғонистонда қайта тиклаш ва барқарорликни ўрнатишда иштирок этиш орқали энг яқин денгиз йўлига чиқиш.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди¹⁵. Албатта, ушбу йўналишдаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга боғлиқ. Мазкур йўналишдаги фаол ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш борасида қисқа вақт ичида катта натижаларга ҳам эришилди. Жумладан, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 5-6 сентябрда Қирғизистонга давлат ташрифлари натижасида икки давлат ўртасида йиллар мобайнида ечилмаган чегара масаласига ечим топилди. Қисқа вақт ичида қўшни республикалар билан товар айрибошлаш ўсди. 2017 йилда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. (1–4-жадваллар)

¹⁴ Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2010. Б.124.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлиги

Мавжуд муаммолар (2017 йилгача)	Муаммонинг ҳал қилиниши	Манфаатдорлик	Истиқболдаги вазифалар
Чегараларнинг ёпиқлиги ва мавжуд транспорт коммуникация тизимини такомиллаштириш	Туркманобод – Фароб автомобиль ва темир йўл кўприклари очилди	Икки халқни боғлади. Юк ташиш 2,5 бараварга ошди.	Касбий денгизи орқали халқаро денгиз йўлига чиқишни амалга ошириш
Иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, ўзаро товар айрибошлашнинг имкониятларга нисбатан пастлиги	Ўзбекистон ва Туркменистон компания ва корхоналари қиймати 200 миллион доллардан зиёд битимларни амалга оширмоқда	Ўзаро иқтисодий алоқалар ривожланиши ҳамкорлик мустақамланишига замин яратади.	Иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиб товар айрибошлашни ошириш
Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик талаб даражасида бўлмаганлиги	Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Туркманобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Ислом Каримов номи берилиб, бу кўчада биринчи Президентимиз ҳайкали ўрнатилди. Тошкент шаҳри марказида эса, буюк туркман шоири Махтумқули хотирасига ёдгорлик ўрнатилиб, унинг номи Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига берилди.	Маданий-гуманитар ҳамкорлик орқали ўзаро ишонч мустақамланади	Фестиваллар, кечалар ва маданий-маърифий тадбирларни кўпайтириш орқали маданий ҳамкорликни ривожлантириш
Минтақавий хавфсизликни таъминлашда Афғонистон муаммоси	Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасида ўзаро ҳамкорлик	Минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланиши	Афғонистонда тинчлик ўрнатишда дипломатик имкониятлардан самарали фойдаланиш

Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлиги

Мавжуд муаммолар (2017 йилгача)	Муаммонинг ҳал қилиниши	Манфаатдорлик	Истикболдаги вазифалар
Чегараларнинг ёпиқлиги ва икки давлатни боғлайдиган транспорт тизимидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги	Чегаралар очилди, М-39 йўл очилди.	Икки халқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда	Қозоғистон портларидан самарали фойдаланиш
Иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, ўзаро товар айрибошлашнинг имкониятларга нисбатан пастлиги	Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида товар айрибошлаш 2 млрд. доллардан ошди.	Ўзаро иқтисодий алоқалар ривожланиши ҳамкорликни мустаҳкамланишига замин яратади.	Иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиб товар айрибошлашни 5 млрд. долларга чиқариш
Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик талаб даражасида бўлмаганлиги	2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йилини 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказиш келишилди.	Маданий-гуманитар ҳамкорлик орқали ўзаро ишонч мустаҳкамланади.	Фестиваллар, кечалар ва маданий-маърифий тадбирларни кўпайтириш орқали маданий ҳамкорликни ривожлантириш
Минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш	Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгашига муваққат аъзоликка сайланишини қўллаб-қувватлади. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини ва мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслигини қўллаб-қувватлади.	Минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланиши.	Минтақани халқаро нуфузини оширишда ҳамкорликни ривожлантириш

Ўзбекистон – Қирғизистон ҳамкорлиги

Мавжуд муаммолар (2017 йилгача)	Муаммонинг ҳал қилиниши	Манфаатдорлик	Истиқболдаги вазифалар
Чегараларнинг ёпиқлиги ва Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл тизимининг Қирғизистон қисми қурилмаганлиги	Чегаралар очилди, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон транспорт тизимини қуриш келишилди.	Икки халқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда	Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон транспорт тизимидан фойдаланиб, Хитой молларини жануб ва ғарбга етказиб бериш.
Иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, ўзаро товар айрибошлашнинг имкониятларга нисбатан пастлиги	Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида товар айрибошлаш 250 млн. доллардан ошди.	Ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожланиши ҳамкорликни мустаҳкамланишига замин яратади.	Иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиб товар айрибошлашни 500 млн. долларга чиқариш
Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик талаб даражасида бўлмаганлиги	2017 йилда Қирғизистонда Ўзбекистон кунларини 2018 йилда Ўзбекистонда Қирғизистон кунларини ўтказиш келишилди	Маданий-гуманитар ҳамкорлик орқали ўзаро ишонч мустаҳкамланади	Фестиваллар, кечалар ва маданий-маърифий тадбирларни кўпайтириш орқали маданий ҳамкорликни ривожлантириш
Минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш	Қирғизистон Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.	Минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланиши	Минтақанинг халқаро нуфузини оширишда ҳамкорликни ривожлантириш

Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлиги

Мавжуд муаммолар (2017 йилгача)	Муаммонинг ҳал қилиниши	Манфаатдорлик	Истиқболдаги вазифалар
Чегаралар ёпиклиги	Давлатлараро чегараларни делимитация қилиш бўйича Ҳукумат делегациялари ишчи гуруҳининг 3та учрашуви бўлиб ўтди. 25 йил мобайнида баҳсли бўлиб келаётган Фарҳод ГЭСи масаласида икки томон келишувга эришди	Икки халқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда	Тожикистон билан туризм соҳасида ҳамкорликни кучайтириш.
Иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, ўзаро товар айрибошлашнинг имкониятларга нисбатан пастлиги	Савдо-сотик 100 миллион долларга яқинлашиб, олдинги йиллардаги кўрсаткичлардан 16-18 баравар оширилди	Ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожланиши ҳамкорликни мустаҳкамланишига замин яратади.	Иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланиб ўзаро манфаатдорликни янада ошириш
Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик талаб даражасида бўлмаганлиги	2017 йил май ойида Тожикистонда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари октябрь ойида Ўзбекистонда худди шундай маданий тадбирлар ўтказилди.	Маданий-гуманитар ҳамкорлик орқали ўзаро ишонч мустаҳкамланади	Фестиваллар, кечалар ва маданий-маърифий тадбирларни ривожлантириш орқали маданий ҳамкорликни ривожлантириш
Минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш	Яхши қўшничилик, дўстлик ва бир-бирини тушунишга асосланган конструктив муносабатлар ўрнатилди.	Минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланиши	Афғонистонда барқарорликни ўрнатишда ўзаро ҳамкорлик

Учинчи бобнинг илмий муаммолари таҳлилдан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

ҳамкорликни ривожлантирувчи асосий омиллардан бири жараёнда иштирок этишдан манфаатдорлик ҳисобланади. Манфаатдорлик ҳамкорлик жараёни билан мутаносиб равишда ошиб бориши лозим ва бу қонуниятдир;

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида қайд этганидек: «Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир»¹⁶.

